



2020 у. « 12 » август

№ Қ-377

«    »    20    г.

**Термиз тумани Учқизил маҳалласи худудидан “Termiz Baraka Yuksalish” хусусий корхонасига “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/443-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 11 майдаги 200/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/443-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани Учқизил маҳалласи худудидан “Termiz Baraka Yuksalish” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 8қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 38,5 балл бонитетли 2,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Termiz Baraka Yuksalish” хусусий корхонаси раҳбари А.Атамурадовга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари**



**Р.Пардаев**